

Корхоналар (ташкilotлар, муассасалар ва юридик шахс)лар учун каттик маиший чикиндилар (К.М.Ч) ни олиб чикиб кетиш бўйича хизмат курсатиш

## ШАРТНОМА №90

«07» января 2022 й

Навоий ш

Бундан буён матнда «Ижрочи» деб аталувчи корхона туғрисидаги низом асосида фаолият олиб боровчи Навоий шаҳар «Stimul-Navoiy» масъулияти чекланган жамияти рахбари **Камолов А.В.** бир томондан ва бундан буён матнда «Буюртмачи» деб **Уз.Рес.Бош прокуратураси хуз ИЖКК Департаменти Нав.вилояти бошкармаси** номидан рахбар **Нормирзоев У.И.** иккинчи томондан, қуйидагилар туғрисида шартнома тузадилар:

### 1. Шартнома мазмуни

1.1 «Буюртмачи» топширади «Ижрочи» эса К.М.Ч. (каттик маиший чикиндилар) ни олиб кетади ишларини бажаришни уз зиммасига олади, «Буюртмачи» эса хизмат туловини тулаб бориши шарт.

1.2. К.М.Ч ларнинг умумий хажми бир ойда **1,843** м<sup>3</sup> ҚҚС билан **199 960,87** сўмни ташкил этади.

### 2. Хисоб-китоб килиш тартиби

2.1 Ушбу шартномани имзолаш пайтида амалдаги хар бир м<sup>3</sup> К.М.Ч учун ҚҚС (НДС) билан **65090** сум.

2.2 Шартнома буйича **5,529** м<sup>3</sup>учун тулов суммаси ҚҚС билан **359 882,61** сумни ташкил этади.

2.4 Хар ойнинг 1 санасигача кейинги ойнинг режавий иш хажми буйича (бюджет ташкilotларида тулов шартномага илова қилинган тулов жадвалига) караб олдиндан 15% фоиз микдорда туловни амалга ошириш.

2.5 Хар ойнинг 30 санасигача утган хисобот ой учун курсатилган хизмат туловларини «Ижрочи»нинг хисоб рақамига хисоб фактура асосида тулик тулаб бериш.

### 3. Томонларнинг мажбуриятлари

3.1 «Ижрочи» томонидан К.М.Ч ни шартномага илова қилинган икки томонлама тасдиқланган жадвал асосида олиб чикиб кетади. Ушбу шартномага икки томонлама тасдиқланган жадвал илова қилинади.

3.2 «Ижрочи» ишларини бажармаган тақдирда «Буюртмачи» 79-22-3-41-88 телефони «Ижрочи»нинг вакилини далолатнома тузиш учун чақириш керак.

3.3 «Ижрочи» ўз вақтида К.М.Ч олиб чикиб кетишнинг минимал даврийлигига риоя қилмаганида, хар бир ҳолат учун ўтган ой учун хизматлар суммасининг 10% микдорида «Буюртмачи»га жарима пеня тулайди.

3.4 «Буюртмачи» шартномада курсатилган муддатда кечиктирилган хар бир кун учун белгиланган муддатда туланмаган сумманинг 0,4% микдорида, лекин кечиктирилган туловнинг 50%дан ошмаган микдорда «Ижрочи» га пеня тулайди.

3.5 Жарима ва пеня тулаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

### 4. Низони хал килиш тартиби

4.1 Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар томонларнинг узаро музокаралари орқали хал қилиниши мумкин булмаган ҳолларда иктисодий суди томонидан хал қилинади.

4.2 Томонларнинг манзили, корхона номи, хисоб рақами узгарган тақдирда ҳамда К.М.Ч хажми узгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо булганда бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот беради.

4.3 «Буюртмачи» «Ижрочи»нинг юк ташиш хужжатларини расмийлаштиришдан бош тортса, «Ижрочи» жамоатчилик вакиллари иштирокида далолатнома тузилади. Ушбу далолатнома иш тулик микдорда бажарилди деб ҳисобланишига ва тулик микдорда тулов амалга оширилишига асос булади.

## 5. Форс-мажор

5.1 Форс-мажор ҳолати содир булганда томонлар шартномада курсатилган мажбуриятдан озод этиладилар (корхонанинг тугатилиши раҳбар ёки жавобгар шахс узгариши, молиявий кийнчиликлар кабилар форс-мажор ҳолатига кирмайди).

## 6. Кушимча шартлар

6.1 «Ижрочи» Хом-ашё, ёкилги мойлаш махсулотлари ва энг кам ойлик иш хаки микдори узгариши муносабати билан белгиланган тартибда бир томонлама хизмат нархларини узгартиришга ҳақлидир, у «Буюртмачи» ни бу тугрисида ёзма равишда огохлантиради ва кушимча шартнома тузилади.

## 7. Шартноманинг муддати

7.1 Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзолангач, (бюджет учун Газначилиқдан руйхатдан утказилгандан сунг) қонуний қучга қиради ва 31.12.2022 йилгача амал қилади.

7.2 Шартномани бажариш муддати «07» январ 2022 йил дан бошлаб «31» декабрь 2022 йилгача белгиланади.

7.3 Томонлар шартнома муддати тугагандан сунг ёзма равишда бошқа муносабат билдирмасалар шартнома бекор қилинганга қадар қучини йукотмаган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар билан тузилган шартномалар бундан мустасно.

7.4 Ушбу шартнома бир хил юридик қучга эга булган икки нусхадан тузилиб, бир нусхаси «Буюртмачида иккинчи нусхаси «Ижрочи»да қолади.

## 8. Тарафларнинг юридик манзилгоҳлари ва тулов риквизитлари.

«Ижрочи»

«Stimul-Navoiy» МЧЖ

Навоий ш. Галаба қучаси №102А

р\с 20208000104634283001

МФО – 00196,

ИНН 300522932

ОКЭД - 38110,

ТЕЛ/ФАКС: 0-436-22-3-41-88

99899-069-79-97, 99897-298-41-88

«Буюртмачи»

Уз.Рес.Бош прокуратураси

хуз ИЖКК Департаменти

Нав.вилояти бошқармоси

Навоий шаҳар Учқудук -29а

Р/С100010860124017036400010001

МФО 00014

ИНН 203278564




Раҳбар

Камолов А.В.



Раҳбар

Нормирзоев У.И.

Юрист: 

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI

NAVOIY VILOYATI  
HOKIMINING  
QARORI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

РЕШЕНИЕ  
ХОКИМА  
НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Navoiy sh. Islom Karimov 77 A  
"26" Ushab 2019 y.(r)

г. Навои пр. Ислама Каримова 77 А  
№ 15-121

**Қаттиқ маиший чиқиндиларни  
олиб чиқиб кетиш хизматлари  
учун тарифларни белгилаш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6, 25-моддалари, "Чиқиндилар тўғрисидаги"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 72-модда) 11-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги "2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2916-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 318-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги "Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгиланган тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 239-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 42-43-сон, 364-модда), 2019 йил 6 февралдаги "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 95-сон қарорларига асосан вилоятнинг шаҳар ва туманлар ҳудудидаги қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларини такомиллаштириш, ҳудудларда санитария ҳолатни янада яхшилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2019 йил 16 апрелдаги 01-04/1-542-сонли, "Navoiy viloyati toza hudud" давлат унитар корхонасининг 2019 йил 22 апрелдаги 86-сонли, вилоят молия бош бошқармасининг 2019 йил 18 июндаги 01-07-02-884-сонли хатларини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоятнинг шаҳар ва туманлар ҳудудларидан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати тарифлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (Худойкулов) “Navoiy viloyati toza hudud” давлат унитар корхонаси (Алдамуратов), ихтисослаштирилган санитария-тозалаш ташкилотлари шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ой муддатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиш хизмати бўйича абонентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича самарали ишлар ташкил этилишини;

аҳоли пунктлари худудидан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш хизмати бўйича маршрутлар жадвалларини қайта кўриб чиқиб тасдиқланишини ва тасдиқланган жадваллар асосида чиқиндиларни ташишни амалга оширилишини таъминласинлар.

3. Вилоят молия бош бошқармаси (Очилов) вилоят Газначилик бошқармаси (Шукуров) билан биргаликда:

бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг харажатлар сметасида қаттиқ маиший чиқиндиларини ташиб чиқариш харажатлари бўйича белгиланган нормативлар асосида зарур маблағларни режалаштирилишини;

“Navoiy viloyati toza hudud” давлат унитар корхонаси ҳамда ихтисослаштирилган санитария-тозалаш ташкилотлари билан бюджет ташкилотлари ўртасида тузиладиган тегишли шартнома шартларига кўра маблағларни ўз вақтида молиялаштирилишини таъминласин.

4. Вилоят ҳокимининг 2018 йил 24 декабрдаги “Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тарифларни белгилаш тўғрисида”ги Қ-392-сонли қарори (“Дўстлик байроғи” газетаси, 25.12.2018 йил, 102-сон (3865)) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи (Мамаражабов), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонаси (Фармонов) ушбу қарорни “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталарида расман эълон қилинишини ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласинлар.


6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари У.Раззоқов ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари К.Расулов зиммаларига юклатилсин.

7. Мазкур қарор 2019 йил 15 августидан бошлаб кучга киради.

Вилоят ҳокими



К.Турсунов



Вилоят ҳокимининг  
2019-йил “ 26 ” июлдаги  
221 -сонли қарорига  
асосланб

Вилоятнинг шаҳар ва туманлар ҳудудларидан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш кетиш хизмати  
тарифлари

(ҚҚС сиз)

№	Ташкилотлар номи	Жисмоний шахслар (аҳоли)га		Юридик шахс ва яққа тартибдаги тадбиркорларга	
		Ўлчов бирлиги	Тариф (сўмда)	Ўлчов бирлиги	Тариф (сўмда)
1	“Navoiy viloyati toza hudud” davlat unitar korxonasi, Ихтисослаштирилган санитария-тозалаш ташкилотлари	1 ойга 1 кишига	3 200	м <sup>3</sup>	56 600

Вилоят ҳокимлиги Санoaтчи ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари қотибнати биринчи тонал мутахассиси

А.Отақулов



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ТЎЛОВЧИСИ СИФАТИДА  
РЎЙХАТДАН ЎТГАНЛИК ТЎҒРИСИДА

### ГУВОҲНОМА

Ушбу Гувохнома қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида  
рўйхатдан ўтганлигини ҳамда рўйхатдан ўтиш коди берилганлигини  
тасдиқлайди.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ НОМИ:

ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "STIMUL-NAVOIY"

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯ РАҚАМИ:

**300522932**

ПОЧТА МАНЗИЛИ:

НАВОИЙСКАЯ ОБЛАСТЬ, Г. НАВОИ, G'ALA

РЎЙХАТДАН ЎТИШ КОДИ:

**312010026346**

РЎЙХАТДАН ЎТИШ САНАСИ:

12.01.2019

